O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 30 декабрь, №261 (3273) Сешанба





## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 декабрь куни Оқсаройда Тожикистон Республикаси Бош вазири Оқил Оқиловни қабул қилди.***

Ўзбекистон ва Тожикистон халқларининг дўстлиги кўп синовлардан ўтган. Халқларимиз ҳар доим бир-бирини қўллаб-қувватлаб, яқин қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаб келган. Мустақиллик йилларида эса бу қадим дўстлик ришталари янгича руҳда ривожланяпти.

Мақсадларнинг муштараклиги ва ўзаро ишонч мустаҳкамлиги ҳамкорликни янада юқори поғоналарга олиб чиқиш учун икки томонда мавжуд салоҳиятдан кенгроқ фойдаланишга имконият яратади. Мана шу ҳамфикрлик давлат раҳбарлари даражасидаги музокараларда ҳам, бошқа мулоқотларда ҳам яққол намоён бўлиб келяпти.

Икки мамлакатнинг сиёсий муносабатлари жадал ривожланмоқда.

Марказий Осиё хавфсизлиги ва тараққиёти йўлида, экология масалаларида икки ва кўп томонлама асосда изчил ҳамкорлик қилиняпти. Тожикистон мамлакатимизнинг Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона деб эълон қилиш ташаббусини қўллаб-қувватлайди, Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси доирасида минтақа давлатлари қаторида Ўзбекистон билан фаол ҳамкорлик қилади.

Ижтимоий, маданий, илмий соҳалардаги алоқалар ҳам изчил ривожланмоқда.

Гарчи ўзаро савдо ҳажми йилдан-йил ошаётган эса-да, ҳали кўп имкониятлар ишга солинмаган. Икки мамлакат Президентлари келишувига биноан бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш учун савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия тузилди. У ўтган йилнинг августида Душанбеда, бу йил февралда Тошкентда мажлис ўтказди. Натижада 2002 йили ўзаро савдо кўрсаткичи аввалги йилдагидан қарийб 10 фоиз ошиб, 116,9 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилнинг ўн ойида эса 122,8 миллион долларга тенглашди.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон-Тожикистон муносабатларига оид долзарб масалалар, жумладан, транспорт коммуникациялари ва сув-энергетика захираларидан фойдаланишда ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

**СУРАТЛАРДА: қабул пайти.**
**Дилшод ЮСУПОВ олган суратлар.**

## ТОЖИКИСТОН БОШ ВАЗИРИНИНГ ТАШРИФИ

29 декабрь куни Тожикистон Республикаси Бош вазири Оқил Оқилов амалий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

Икки мамлакат Президентларининг келишувига биноан ҳар йили Тошкентда Ўзбекистон ва Тожикистон ҳукумат делегацияларининг кенг музокарасини ўтказиш ва келгусидаги ҳамкорликнинг амалий жиҳатларини белгилаб олиш яхши анъанага айланган.

Ўзбекистон Бош вазири Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Бош вазири Оқил Оқиловнинг музокарасида мамлакатларимиз кўплаб соҳаларда фаол ҳамкорлик қилиб келаётгани мамнуният билан таъкидланди. Ислом Каримов ва Имомали Раҳмонов ўртасида эришилган келишувларни рўёбга чиқариш, Президентларнинг ҳамкорликни ривожлантиришга доир таклиф-тавсияларини ҳаётга татбиқ этиш масалаларига бағишлаб ўтказилаётган бундай амалий мулоқотлар икки давлат манфаатларига хизмат қилиб, ўзаро муносабатлар ривожига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

(Давоми 2-бетда)

## РАДИОЧАСТОТАЛАР БЎЙИЧА КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси радиочастоталар бўйича давлат комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори А.Орипов бошқарди. Унда тегишли вазирлик ва идора вакиллари иштирок этди.

Комиссиянинг 2003 йил иш якунлари, 2004 йил учун мўлжалланган режаси муҳокама қилинди. Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 ноябрдаги радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорининг ижроси ҳамда янги технологиялардан фойдаланиш учун частоталар полосаларини тақсимлаш масалалари кўриб чиқилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси радиочастота спектрини давлат томонидан бошқаришни янада такомиллаштириш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

**В. НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

***АҚШ 2002 йилда Афғонистон муаммоси, жорий йилда эса Ироқ билан овора бўлиб қолганига қарамасдан, Марказий Осиёдаги янги стратегик ҳамкори — Ўзбекистон Республикасининг сиёсий тақдирига катта қизиқиш билдирмоқда.***

## Ўзбекистон келажак учун курашмоқда

2002 йил бошида Ўзбекистондаги йирик ҳаво базаси АҚШнинг «Толибон»га қарши ҳаракатларида муҳим нуқтага айланди. АҚШ ҳарбийларининг бир қисми ушбу базада жойлашиб турибди. Қолганлари эса шарқий Афғонистон тоғларида Усама бин Лодин макон тутган ўргимчак инини изламоқда.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистонни бозор иқтисодиётига асосланган демократик республика қуриш йўлида олдинга етаклаш билан бир вақтда Усама бин Лодиннинг «Алқоида» ташкилоти билан яқин ҳамкорликда бўлган кичик жангари гуруҳларга қарши мунтазам курашиб келмоқда.

Мамлакат пойтахти Тошкент шаҳрида 14 нафар инсоннинг ҳаётига зомин бўлган портлашлардан сўнг Ўзбекистон ҳукумати ўша вақтда Афғонистондаги «Толибон» режими ҳимояси остида эмин-эркин фаолият кўрсатган «Ўзбекистон исломий ҳаракати»га қарши чора-тадбирларни авж олдирди.

Ўзбекистон хавфсизлик хизматлари шу пайтга қадар зўравонликлардан тийилган, аммо ҳукумат наздида мамлакатда Толибон кўзлаган тизимга ўхшаш режим ўрнатишни мақсад қилган «Ҳизб-ут-таҳрир» ва бошқа махфий исломий ташкилотларга аъзо, аксари ёшлардан иборат 4 мингдан ортиқ кишини ҳибсга олган.

Аммо ғарб матбуотида,

(Давоми 2-бетда)

Олий Мажлисда



## Меҳнат муҳофазаси инсон манфаатини кўзлайди

Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси томонидан "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг ижроси ҳар йили муайян бир вилоят мисолида ўрганилади.

«Ҳар гал натижалар хулосаланиб, тавсиялар ишлаб чиқиш жараёнида кўнглимдан бир ўй кечади», — деди қўмита раиси Машкура Сафоева,— Меҳнат қилаётган киши ўзига қулай ва ҳаётига хавф солмайдиган шароит яратилишини талаб қила билиши керак. Акс ҳолда, қилаётган меҳнати ўзига ва корхонага жуда қимматга тушиши мумкин».

Ҳақиқатан ҳам, қўмита томонидан тузилган ишчи гуруҳи бу борада Тошкент вилоятидаги аҳволни ўрганиб чиққанида, ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар оз эмаслигига иқрор бўлди. Маълумки, мазкур вилоятда саноат корхоналари талайгина. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳаллий маҳсулотлар тури кўпайиб, сифати яхшиланмоқда. Аммо бу корхоналардаги ишчи-хизматчилар учун яратилган шарт-шароит кўнгилдагидек дегани эмас. Масалан, Олмалиқ шаҳридаги "Алпласт" қўшма корхонасининг қоп тикув цехида ҳаво алмаштириш ускунаси ўрнатилмаган, кимёвий бўёқлаш ишлари тикув цехида олиб борилмоқда. Янгийўл ёғмой комбинатидаги иккита бир тонналик юк кўтарувчи ускунанинг ҳимоя таянчлари йўқ, техника назоратидан ўтмаган. Баъзи корхоналарда электр ускуналари очиқ ҳолатда. Мазкур муаммолар оқибатида вилоят миқёсида шу йилнинг 11 ойи мобайнида 31 та бахтсиз ҳодиса юз берган. Жами 17 нафар ходим ҳалок бўлган. Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси вакилининг сўзларига қараганда, жами 11123 корхонада назорат ишларини олиб бориш учун 11 нафар меҳнат инспектори озлик қилади.

Йиғилишда корхоналардаги техник жавобгар шахслар масъулиятини ошириш, техник ходимларни ўқитиш, аттестациядан ўтказишни изчил йўлга қўйиш, носоз ускуналарни таъмирлаш имкониятларини излаб топиш хусусида ҳам мулоҳазалар айтилди. "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонун ижросининг тўла таъминланишига, энг аввало, корхона раҳбари масъул эканлиги, бу борада вилоят ҳокимлиги томонидан қатъий назорат ўрнатилиши лозимлиги алоҳида таъкидланди. Муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

**Мамлакат НОРМУРОДОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Меҳр таратган арча

Болажонлар ҳар бир байрамни ўзгача иштиёқ, айрича завқ билан кутишади. Улар учун байрамлар орасида янги йилдек қувончбахш, шодлик улашувчи айём бўлмаса керак. Буни биз кеча "Туркистон" саройида бўлиб ўтган анъанавий "Президент арчаси" тантанасида яна бир бор англаб етдик.



Пойтахтимиздаги меҳрибонлик уйлари болажонлари дастлаб безатилган улкан арча атрофида Қорбобо ва Қорқиз иштирокида шўх рақслар, дилбар қўшиқлар ижро этишди. Болалар учун махсус тайёрланган "Мен! Сен! Биз! Дунё кезамиз!" мусиқали спектакли кичкинтойларга яна бир ажойиб туҳфа бўлди. Дўстлик, аҳиллик, юртга садоқат, ватанпарварлик ғояларини тараннум этувчи бу эртакни болалар зўр қизиқиш билан томоша қилди.

Ғоят қувончли ва завқли ўтган томошалар ниҳоясида кичкинтойларга мамлакатимиз Президенти номидан байрам совғалари топширилди.

"Президент арчаси" атрофидаги байрам томошалари барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасида давом этади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев иштирок этди.

**Ўз мухбиримиз.**



**СУРАТЛАРДА: «Президент арчаси» тантаналаридан лавҳалар.**
**Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.**

Қирқиш чизиғи — Қирқиш чизиғи

бини;

акцептни электрон ҳужжат воситасида юбориш ва чақириб олиш тартибини;

ҳамма эркин фойдалана оладиган ахборот ресурсида турган электрон ҳужжатга ҳавола қилиш йўли билан шартномага киритиладиган шартларга доир кўрсатмаларни ўз ичига олган бўлиши керак.

**12-модда. Электрон ҳужжатлардан битимни тузиш далили сифатида фойдаланиш**

Электрон ҳужжат битимни тузиш далили сифатида тақдим этилиши мумкин.

**13-модда. Низоларни ҳал этиш**

Электрон тижорат соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**14-модда. Электрон тижорат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Электрон тижорат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

* * *

*Қонун лойиҳасига доир таклиф ва мулоҳазаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитасига қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:*

*700035, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси.*

*Телефонлар: 139-85-87, 139-82-91, 139-87-01, 139-85-73.*

8

Буклаш чизиғи

*Лойиҳа*

*Ўзбекистон Республикасининг*
*ҚОНУНИ*

**ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЙЛАНИШИ ТЎҒРИСИДА**

**«Халқ сўзи» ва «Народное слово»**
**2003 йил**

Қирқиш чизиғи

амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек тегишли товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) харидорлари бўлган юридик ва жисмоний шахслар электрон тижорат иштирокчилардир.

Электрон тижоратда ахборот воситачилари ҳам иштирок этишлари мумкин. Электрон тижорат иштирокчилари ўртасида электрон ҳужжатларни айирбошлаш билан боғлиқ хизматлар кўрсатувчи юридик ва жисмоний шахслар ахборот воситачиларидир.

**5-модда. Электрон тижорат иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолати**

Электрон тижорат иштирокчилари ушбу Қонунда, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида, шунингдек ўзлари томонидан тузилган шартномаларда назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва мажбуриятларни бажарадилар.

Электрон тижоратда иштирок этиш, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, унинг иштирокчиларига нисбатан ахборот тизимларидан фойдаланмасдан амалга оширилаётган тадбиркорлик фаолияти хусусида қўшимча талаблар ёки чеклашлар белгиланиши учун асос бўлиши мумкин эмас.

**6-модда. Электрон тижоратни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахс тўғрисидаги ахборот**

Электрон тижоратни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахс товарлар (ишлар, хизматлар) харидорига:

юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган ҳолдаги тўлиқ номини ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини;

4

Буклаш чизиғи

почта ва электрон манзилини ҳамда ўзининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида маълумотларни;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда лицензия борлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи ахборотни тақдим этиши ёхуд унинг бундай ахборотдан эркин фойдаланишини таъминлаши шарт.

Қонун ҳужжатларида электрон тижоратни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахс тўғрисидаги ахборотга нисбатан бошқа талаблар ҳам белгиланиши мумкин.

**7-модда. Ахборот воситачиларининг хизматлари**

Электрон ҳужжат айланиши соҳасидаги электрон тижорат иштирокчилари учун электрон ҳужжатларни жўнатиш (қабул қилиб олиш), ахборот тизимларидан фойдаланиш имкониятини бериш бўйича хизматлар, шунингдек бошқа хизматлар ахборот воситачилари томонидан шартнома асосида кўрсатилиши мумкин.

Ахборот воситачилари, агар электрон тижорат иштирокчилари билан тузилган шартномаларнинг шартларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, электрон ҳужжатларнинг мазмунини ёки улардан фойдаланиш тартибини ўзгартиришга ҳақли эмас.

**8-модда. Электрон тижоратдаги шартнома шартлари**

Электрон тижоратдаги шартнома шартлари қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Электрон тижоратдаги шартнома унга ҳамма эркин фойдалана оладиган ахборот ресурсида жойлаштирилган электрон ҳужжатга ҳавола қилиш йўли билан киритиладиган алоҳида шарт-

5

(Давоми. Боши 1-бетда).

## ТОЖИКИСТОН БОШ ВАЗИРИНИНГ ТАШРИФИ

Бош вазирлар раҳбарлигидаги ҳукумат делегацияларининг музокарасида транспорт коммуникациялари ва сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланишга оид масалалар муҳокама этилди. Томонлар савдо-иқтисодий муносабатлар кўламини ошириш борасида фикр алмашди.

Учрашувлар якунида Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида 2004 йилда юк ташиш, газ ва ёқилғи мойлаш маҳсулотлари етказиб бериш ҳамда давлат қарзлари бўйича ўзаро ҳисоб-китоб ҳамда келаси йили сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар имзоланди.

Тожикистон Бош вазири "Ўзэкспомарказ"да "Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий салоҳияти" мавзуидаги кўргазма билан танишди.

Ушбу ташриф доирасида икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари Содиқ Сафоев ва Толбак Назаровнинг музокараси ҳам бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Тожикистоннинг минтақавий хавфсизлик ва халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлигига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# Ўзбекистон келажак учун курашмоқда

АҚШ департаменти ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари орасида Ислом Каримовни танқид қилувчилар топилади.

«Исломнинг икки юзи» китоби муаллифи, ислом экстремизми бўйича таниқли матахассис Стефен Шварцнинг фикрича, бундай танқидлар юзакидир. «Амалдаги ҳукуматни ағдариб ташлаб, ислом халифалигини ўрнатиш учун яширин фаолият олиб бораётган шахслар бундан ортиқ яна қандай радикаллашиши мумкинлигини англаш қийин», деди у «Insight»га берган интервьюсида.

«Халқаро кризис гуруҳи тайёрлаган ҳисобот тўлалигича «Ваҳҳобийлик», «Ҳизб-ут-таҳрир» мисолидаги радикалларнинг таҳдидини пасайтириб кўрсатишга қаратилган», - деди С. Шварц.

Жаноб Шварцнинг «Weekly Standart» журналида чоп этилган мақоласида ёзилганидек, «Ҳизб-ут-таҳрир» каби гуруҳлар ҳали кўпорувчилик ҳаракатларини амалга оширмаган бўлса ҳам кўпорувчиликка имкон яратадиган вазиятни тайёрламоқда».

«Террор фаолияти билан шуғулланаётганларга қараб экстремал идеология тарафдорларини аниқлаш террорчиликка қарши курашга зарар етказмайди. Террорчиликка зарар етказадиган нарсалар душманни аниқлаш эмас, балки заифлик, журъатсизлик ва кечирувчанликдир».

Айни кунда «Ҳизб-ут-таҳрир» Лондондаги бош қароргоҳида эркин фаолият олиб бормоқда. Аммо у Марказий Осиёнинг барча давлатларида, Яқин Шарқ минтақасининг деярли ҳамма ўлкаларида қонунан таъқиқланган. Унинг идеологияси радикал исломий давлат қуриш ва ўрта асрлардаги Араб халифалигини қайта тиклашга қаратилган.

1953 йил Қуддусда иш бошлаган мазкур ҳаракат Шўро Иттифоқи парчаланган 1991 йилдан Ўзбекистонга жуда кўп вакиллари ва миссионерларини жўнатди. Ҳаракат яширин фаолият олиб боргани учун унинг аъзолари сони аниқ эмас.

«Ҳизб-ут-таҳрир» адабиёти яҳудийликка қарши, уларнинг баъзилари эса чиндан ҳам жуда хавфли.

11 сентябрь воқеаларидан уч ой илгари «Ҳизб-ут-таҳрир» томонидан чиқариладиган «Ал-Ваъй» журналида қуйидаги хабар тарқатилган:

«Иймонли мусулмон динсизларга қарши жангнинг барча усулларидан фойдаланиши шарт. Бу ҳолларда биз масофада туриб қурол билан жанг қиламизми, ёки ҳеч қандай қуролсиз юзма-юз урушамизми, ёки парашутда сакраб қолмасдан туриб самолётни динсизлар йиғилган жойга йўналтирамизми, барибир».

Агар бирон бир қария, дейлик ўз фикрини билдириш ёки мусулмонларни ўлдириш усулларини кўрсатиш орқали душманга ёрдам берса, уни ҳам ўлдириш даркор».

«Ишончимиз комилки, «Ҳизб-ут-таҳрир» раҳбарлари билан террорчи ташкилотлар ўртасида узвий алоқалар мавжуд. Жумладан, қўшни Қирғизистонда баъзи террорчилар «Ўзбекистон ислом ҳаракати»га қўшилишдан аввал «Ҳизб-ут-таҳрир» аъзолари бўлишган», дейди «Ҳизб-ут-таҳрир» фаолиятини саккиз йилдан бери ўрганаётган Миллий хавфсизлик хизмати ходими З.Абдуллаев. Унинг таъкидлашича, «мазкур ҳаракат Ўзбекистон аҳолиси орасида хайрихоҳликдан маҳрум бўлишдан хавфсираб, бу маълумотни яширмоқда».

«Ғарб мутахассислари исломий ҳаракатларнинг моҳияти борасида бир тўхтамга кела олмас экан, ўсиб бораётган террор таҳдидига қарши курашда катта натижаларга эришиб бўлмайди», дейди Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги расмий вакили Илья Пягай.

«Ҳизб-ут-таҳрир» ғояси ислом ичидаги коммунизмдан бошқа нарса эмас. Унинг халифатни тиклаш ғояси худди коммунистларнинг «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз» деган шиорига ўхшайди».

— «Биз коммунистик ғояни сўзда эмас, амалда бошимиздан кечирдик», — дейди И.Пягай. — «Тарихни коммунистик нуқтаи назардан ўргандик. Шу боис ҳам Ленин қўллаган усуллар бизга жуда яхши таниш. Ленин ўз фаолиятини одамларга ёқиб тушадиган турли шиорларни дастак қилиб олган гуруҳларнинг тинч намойишлари орқали бошлаган эди. Аммо бу ҳаракат алал оқибат қуролли кураш усулига ўтган йирик бир гуруҳни келтириб чиқарди».

«Тинч намойишлар Россияни фуқаролар уруши томон етаклади. Ленин ўзининг қуролли гуруҳи билан 1917 йилда ҳокимиятни қўлга киритди. Унинг издошлари етмиш йилдан зиёдроқ вақт давомида диктаторлик ҳукмини юритишди», деди жумладан И.Пягай.

«Диний экстремистлар алал оқибат сиёсий ҳокимиятни талаб қилиши турган гап», қўшимча қилди у.

И.Пягай Ўзбекистон ҳукумати радикал гуруҳларга қарши фаол курашаётганини таъкидлар экан, шундай деди: «Агар Ўзбекистон ўз вақтида тегишли чораларни кўрмаганида, ўта даҳшатли оқибатлар юзага келиши ҳеч гап эмас эди».

Умуман олганда, Марказий Осиёда, шу жумладан Ўзбекистонда, исломий уйғониш жараёни кечмоқда. Мамлакатдаги масжидларда ибодатгўйлар бисёр, мадрасаларда ўқишни истовчилар ҳам сероб.

Ўзбекистоннинг юқори мартабали диний арбоби, муфтий Абдурашид Баҳромов мамлакатдаги диний таҳсил масканлари ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланаётганини қониқиш билан қайд этди.

«1991 йилда бизда бор йўғи 89 масжид, бири Бухорода ва иккинчиси Тошкентда жойлашган иккита мадраса бор эди. Бугун эса масжидлар сони икки мингдан зиёд. Ўндан ошиқ мадраса, шунингдек Тошкент Ислом университети фаолият кўрсатаяпти».

А.Баҳромовнинг таъкидлашича, мамлакат ҳукумати таълимнинг бошқа соҳаларига қандай молиявий кўмак бераётган бўлса, диний таълим ривожи учун ҳам худди шундай ёрдам кўрсатмоқда.

Аммо Халқаро Кризис Гуруҳи ҳукумат томонидан 1998 йилда қабул қилинган диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қонунни худди Совет даврида бўлгани каби дин устидан кескин назоратни таъминлашга қаратилган деб тавсифлайди. Халқаро Кризис Гуруҳининг айтишича, рўйхатдан ўтиш талабларига жавоб бермагани учун минглаб масжидлар ёпиб қўйилган.

Бундай ҳаракатлар айрим танқидчилар томонидан қаттиққўл ва маърифий ҳукумат билан оддий намозхон фуқаролар ўртасидаги ихтилоф сифатида таърифланади.

Аммо С.Шварцнинг фикрича, муаммога бундай ёндошув «мутлақо хатодир».

«Мусулмон оламидаги инсонлар дунёвий ва тақводор кишиларга бўлинмайди, улар анъанавий, плюралистик ва радикал исломий оқимларга бўлинади, Ғарб олами эса буни ҳар доим ҳам тушуна билмаяпти».

Диний бағрикенглик кўп миллатли ва космополит ислом туфайли машҳур бўлган Марказий Осиё минтақасига хосдир. 2,500 йил мобайнида яҳудий жамоатчилиги мазкур минтақада, асосан Бухорода яшаб келмоқда. Яҳудий қочоқлари Холокост даврида Ўзбекистондан паноҳ топган.

Миллий хавфсизлик хизмати вакилининг фикрича, барча яҳудийларни қувғин этишни мақсад этган исломий давлат қуриш ғояси ўзбеклар учун бегона бўлиб, бундай ҳаракатларнинг оммавий тус олиши хатарли оқибатларга олиб келади.

«Ҳозирда «Ҳизб-ут-таҳрир» яҳудийлар ва ғарбликларни нишонга олмоқда, аммо у бошқа динларга ҳам тажовуз этмаслигига ким кафолат бера олади? Мазкур ҳаракат фашизм ва коммунизмга ўхшаш давлат барпо этиши мумкин», дея таъкидлади у.

Сўнгги вақтларда Ўзбекистон раҳбариятининг мазкур муаммога ёндашуви ўзгараётгани сезилмоқда. 2 декабрда Президент уч ой давомида маҳбусларнинг муайян қисмини озод қилиш тўғрисидаги қарорини эълон қилди. Амнистия хусусидаги бундай қарорлар 2002 ҳамда 2001 йилларда ҳам эълон қилинган эди.

Жаноб Баҳромов «Инсайт» журнали билан суҳбатда ҳибсга олинган экстремистларни бориб кўриб, улар билан суҳбатлар ўтказиб туришини билдирди.

«Мен диний экстремистлар жойлашган барча қамоқхоналарда бўлдим,» дейди у. «Уларнинг кўпчилиги ўз хатоларини тан олдилар ва тавба қилдилар»...

**Дуглас БУРТОН,**
**АҚШда чоп этиладиган «Вашингтон таймс» газетасининг 27 декабрь сонидан қисқартириб босилмоқда.**

## ФАН-ТЕХНИКА янгиликлари

### Коинотга йўлланма сотилмоқда

АҚШнинг коинотга сайёҳлик билан шуғулланувчи ва Россия авиакосмик агентлиги билан шу масалада ҳамкорлик қилувчи Space Adventures компанияси коинот сафари учун икки дона сайёҳлик йўлланмасини сотганлигини эълон қилди. Коинот сайёҳлари Россияда бундай сафарга ҳозирлик кўрадилар ва зарур тайёргарликдан ўтгач, «Союз» ҳаво кемасида Халқаро орбитал космик станция сари парвоз қиладилар. Дастлабки парвоз — 2004 йилнинг октябрь ойида, иккинчиси эса 2005 йилда амалга оширилади.

Коинотга саёҳат учун йўлланма харид қилганларнинг номлари сир тутилмоқда.

### Ўғриларга қопқон



Буюк Британиядаги кўча жиноятларининг ярмидан кўпроғи қўлдаги телефонларни ўғирлаш билан боғлиқ бўлиб қоляпти экан. Бундай ўғирликлар турли тоифадаги жиноятчилар томонидан содир этилмоқда — уларнинг орасида кўчадаги майда безорилардан тортиб уюшган жиноятчилар гуруҳигача бор. Бундай нохуш ҳолларнинг олдини олиш мақсадида Британия полицияси алоҳида ихтисослашган бўлинмани ташкил этди. Мазкур бўлинма, шунингдек, бутун Британия уяли алоқа тизимидаги барча ўғирланган қўл телефонлардан фойдаланишининг йўлларини тўсади. Бундан ташқари, тезкор қўл телефонлар дастурини ўзгартиришга уринган ҳар қандай одам қонун йўли билан қаттиқ жазоланади. Янги полиция бўлинмасининг вазифалари жумласига ўғирланган қўл телефонларини Африка, Осиё ва Оврупо мамлакатларига ўтказиб сотишга қарши кураш ҳам киради.

### Ғайриоддий зотилжам лабораторияси ёпилди

Тайванда ғайриоддий зотилжам масалалари билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот лабораториялари вақтинча беркитилди. Яқинда Тайвань Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳарбий-тиббий хизматнинг ходими — 44 ёшли подполковник ғайриоддий зотилжам билан касалланганлигини маълум қилди. Касалланиш лаборатория шароитида юз берган. Тайвань ўтган йилнинг биринчи ярмида шу касалликдан энг кўп зарар кўрган ҳудудлардан биридир. Худди шу касаллик дастидан 84 нафар тайванлик вафот этди ва 700 киши рўйхатга олинган.

**Ўз мухбиримиз.**

### Метро хизматида қулайлик



Тошкент метросининг Юнусобод йўналишидаги бекатларни жиҳозлашда Ўзбекистон Фанлар академияси «Академик-асбоб» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимлари фаол иштирок этдилар. Метро бекатлари навбатчиларининг хонасида «Антипаника» деган тугмача (кнопка) бор. Фавқулодда вазиятларда бу тугмача босилса, метронинг барча кириш йўлакларидаги тўсиқлар автоматик равишда очилади. «Турникет» деб аталган яна бир митти техник жиҳознинг қулайлиги шундаки, унинг ёрдамида пластик карточкали йўловчилар шундай карточкалардан жетон ўрнида фойдаланишлари мумкин. Бундай техник воситалар умуман метро соҳасида янгиликдир.

**Ўз мухбиримиз.**

### Раиснинг ихтироси

Навоий машинасозлик заводи раҳбарияти қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган янги универсал чуқурлатгич яратган конструктор ва мутахассисларни мукофотлаш ҳақида қарор қабул қилди. Улар орасида Қизилтепа туманидаги Навоий номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Обиддин Аҳроров ҳам бор.

— Ерни муттасил резина ғилдиракли тракторлар билан ҳайдаш, қатор ораларига ишлов бериш тупроқ қатламини зичлаштириб юбораётир, — дейди Обиддин Аҳроров.

Раис шундан кейин осма чуқурлатгич чизмаларини яратди. Тез орада Навоий машинасозлик заводида ўша лойиҳалар асосида осма чуқурлатгичнинг дастлабки намунаси вужудга келди. Ерни 80 сантиметргача чуқур ҳайдашга мослашган агрегатни «Максим», «Т-4», «Магнум» тракторларига тиркаш мумкин.

Обиддин Аҳроров яна бир ихтирочилик таклифи амалга ошганидан хурсанд. Ўша заводда ғўза қатор ораларига ишлов беришга мослаштирилган универсал осма чуқурлатгич ҳам ишлаб чиқарилди. Бу агрегат ёрдамида ерни чуқур ҳайдаш билан бир вақтда маъданли ва маҳаллий ўғит солиш, ғўза қатор ораларига дон экиш имконияти бор.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Табиий офатдан жабрланганларга ёрдам

Шу йилнинг 26 декабрь куни Эрон Ислом Республикасининг Керман вилоятида Рихтер ўлчови бўйича 6,7 балл кучга эга даҳшатли зилзила юз берди. Эрон ахборот агентлиги - ИРНАнинг хабар беришича, зилзила маркази Бам шаҳри атрофида бўлган.

Шаҳарда барча биноларнинг 90 фоизи вайрон бўлган, энергия, сув таъминоти, телефон алоқаси узилиб қолган. Эртаси куни тонгдаёқ мутахассислар томонидан амалга оширилган дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, табиий офат 20 мингдан ортиқ кишининг умрига зомин бўлган ва 50 мингга яқин киши жароҳатланган. Бироқ, ИРНА томонидан тарқатилган Эрон фавқулодда вазиятлар штаби ҳузуридаги ахборот маркази баёнотида вафот этганларнинг расмий сони ҳали маълум қилинмагани, ҳозир асосий вазифа вайроналар остида қолганларни қутқариш, жабр кўрганларга ёрдам кўрсатиш ва жароҳатланганларни бошқа жойга кўчириш эканлиги таъкидланади.

Кермандаги фожеа бутун дунёдаги одамлар қалбида акс садо берди. Ўзбекистонликлар ҳам бефарқ тура олмади, зеро халқимизнинг энг яхши фазилатларидан бири ҳамдардлик, ёрдамга муҳтожларга кўмаклашишга интилиш бўлиб келган. Бу анъананинг мантиқий давоми — Ўзбекистонда 2004 йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинишидир. Шу боис Эрондаги зилзиладан сўнг, Президент Ислом Каримов топшириғига асосан, Керман вилоятидаги жабр кўраганлар учун мурувват ёрдами ҳозирланмоқда.

Бу ёрдам таркибига бундай кенг кўламли фожеалар оқибатидан кўпроқ даражада азият чекадиган болалар учун барча зарур нарсалар киритилган. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг махсус рейси билан Керманга иссиқ адёллар, болалар кийимлари ва пойабзаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари етказилади. Мурувват ёрдамини шакллантиришда кўпгина вазирликлар, идоралар, корхоналар, жамоат бирлашмалари ва жамғармалар иштирок этмоқда.

**А. ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**



*Дунёдаги барча йўллар бизни Ўзбекистонга олиб келади. «Тошгузар Бойсун-Қумқўрғон» темир йўли эса бизни аксинча дунёга олиб чиқади. Зеро, бугун бу магистрал мамлакатимиздаги энг долзарб қурилиш майдонларидан бирига айланган. Мазкур темир йўлнинг Тошгузар бекатини қуриб фойдаланишга топшириш «Темирйўлмашиналаштириш» корхонаси қурувчилари зиммасига юклатилган. Айни кунларда бекат қурилиши жадаллик билан олиб борилаётир.*

**СУРАТДА: машинист ёрдамчиси Шокиржон Холматов.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

Шу сонга хат

## Сабабини билишни истайман



Уйларнинг йўлакларига турли эълонлар ёпиштириб кетиш катта шаҳарларда одатий ҳолга айланган. Кимдир уйини сотиш ҳақида, яна кимдир фарзандингизга чет тилини ўргатиши мумкинлиги тўғрисида эълон беради. Яқинда уйимиз йўлагига "Тошиссиққуввати" ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимлари ҳам бир варақ қоғоз ёпиштириб кетишибди. Унда 2004 йилнинг 1 январидан уйларни иситиш бир квадрат метрга 95 сўм, иссиқ сув эса киши бошига 1303 сўму 92 тийин қилиб белгиланганлари айтилган. Шу пайтга қадар уйларни иситиш учун бир квадрат метрга 78 сўм, иссиқ сув учун эса одам бошига 1100 сўмдан ҳақ тўлаб келаётган эдик.

"Тошиссиққуввати" эълонини ўқиб, тўғриси, ўйланиб қолдим. Унда хизмат нархлари нима учун, нимага асосан, ким томонидан оширилаётгани тўғрисида умуман изоҳ йўқ. Бунинг бирор сирли сабаби бўлмаса керак, албатта. Масалан, мен нима учун нарх ошганлигини билишни истайман. Ҳеч бўлмаса, ўша эълон тагига ёки аҳолини маҳаллаларга йиғиб, фалон сабабларга кўра уйларни иситиш ёки иссиқ сув нархи кўтарилаяпти, деб изоҳ берса бўлади-ку.

**Гулноза ОЧИЛОВА,**
**Мирзо Улуғбек тумани, 2-Тракторсозлар даҳаси.**

Қирқиш чизиғи — Букчлаш чизиғи

ларни ўз ичига олиши мумкин. Бу ҳолда электрон ҳужжатни жойлаштирган электрон тижорат иштирокчиси қонун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган муддат мобайнида ундан эркин фойдаланиш имкониятини таъминлаши, бу муддат ўтгандан кейин эса ушбу электрон ҳужжатнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда сақланишини таъминлаши шарт.

**9-модда. Электрон тижоратдаги шартномани тузиш**

Электрон тижоратдаги шартнома:

электрон ҳужжатларни айирбошлаш;

электрон ҳужжатдан бошқача тарзда юборилган оферта (шартнома тузиш таклифи) қабул қилингани тўғрисидаги электрон ҳужжатни юбориш;

электрон ҳужжат тарзида юборилган офертадаги шартнома шартларини бажариш бўйича ҳаракатларни амалга ошириш воситасида тузилиши мумкин.

Электрон тижоратдаги шартнома акцептни (таклиф қабул қилинишини) ўз ичига олган электрон ҳужжат электрон тижоратни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахс томонидан қабул қилиб олинган пайтда ёки офертани ўз ичига олган электрон ҳужжатда акцепт учун назарда тутилган ҳаракатлар товар (ишлар, хизматлар) харидори томонидан амалга оширилган пайтда тузилган деб эътироф этилади.

Офертани ўз ичига олган электрон ҳужжат олинганлигини оферта шартларига розиликни кўрсатмасдан тасдиқлаш, худди шунингдек товар (ишлар, хизматлар) харидорининг ҳаракатсизлиги, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, акцепт ҳисобланмайди.

6

*Лойиҳа*

*Ўзбекистон Республикасининг*
*ҚОНУНИ*

### Электрон тижорат тўғрисида

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади электрон тижорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Электрон тижорат соҳасидаги қонун ҳужжатлари**

Электрон тижорат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг электрон тижорат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Электрон тижорат**

Товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти электрон тижоратдир.

**4-модда. Электрон тижорат иштирокчилари**

Электрон тижоратни (товарларни сотишни, ишларни бажаришни, хизматлар кўрсатишни)

3

Қирқиш чизиғи

*Ўзбекистон Республикаси*
*Олий Мажлисининг*
*ҚАРОРИ*

### «Электрон тижорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Электрон тижорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси биринчи ўқишда маъқуллансин.
2. «Электрон тижорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида эълон қилинсин.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси тушган таклифларни манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда умумлаштирсин ҳамда «Электрон тижорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг маромига етказилган лойиҳасини Олий Мажлис муҳокамасига киритсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси** **Э.ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 12 декабрь.

2

Букчлаш чизиғи

Агар қонун ҳужжатларида шартнома бўйича томоннинг бошқа томонга шартномани тузиш ёки ижро этиш билан боғлиқ ҳужжатни тақдим этиш мажбурияти назарда тутилган бўлса, кўрсатилган мажбуриятни бажариш шартномани тузиш усулидан қатъи назар амалга оширилади.

Электрон тижоратдаги шартнома, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, фақат электрон ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда тузилганлигига асосланиб ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас.

**10-модда. Электрон тижоратда офертага таклиф этиш**

Тақдим этувчидан келадиган офертанинг ўзи ёки оферта қилиш таклифи, шу жумладан у таклиф қилаётган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги реклама ёхуд бошқа маълумотлар махсус билими бўлмаган қабул қилиб олувчига қабул қилиб олинган ахборотнинг электрон тижоратга тааллуқлилигини аниқ белгилаш ва оферта жўнатувчининг ҳуқуқий ҳолати, унинг товарлари (ишлари, хизматлари), бу товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) нархлари ва уларни олиш шартлари ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилиш имкониятини берадиган шаклда тақдим этилиши керак.

**11-модда. Электрон тижоратдаги офертага қўйиладиган талаблар**

Электрон тижоратда шартнома тузиш мақсадида юбориладиган оферта, шу жумладан номуайян шахслар доирасига йўлланган оферта:

электрон ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда шартнома тузиш тартибини;

шартнома шартларини келишиб олиш чоғида ўзгартишлар киритиш имконияти ва тарти-

7

# САЙЛОВДАН САЙЛОВГА

**_Россияда парламент сайловлари якунланганига икки ҳафтадан зиёдроқ вақт ўтар-ўтмас, президент сайловига тайёргарлик жараёни бошланди. Мамлакат Марказий сайлов комиссияси 24 декабрдан бошлаб Россия президентлигига номзодларни рўйхатга олишга киришди._**

Айтиш жоизки, сайловга тайёргарлик жараёни кутилмаган воқеалар билан бошланди. Владимир Жириновский биринчилардан бўлиб мамлакатга раҳбарлик қилиш иштиёқи борлигини маълум қилган эди. У «Президент сайловларидаги 40 та вазифа» дастурини ишлаб чиққан ва Россия Либерал-демократик партияси сайловларда, албатта қатнашишини билдирганди.

— Сайловларда қатнашиш биз учун манфаатли, — деганди РЛДП етакчиси. — Биз бунда ўнгларга ҳам, сўлларга ҳам қўшилмаймиз.

Жириновский сайловчиларнинг камида 20 фоиз овозини олишини ҳам айтганди. Аммо ўтган ҳафтанинг охирида у ўз ҳоҳиши билан номзодликдан воз кечди ва РЛДП унинг ўрнига Олег Малишкинни президентликка номзод қилиб кўрсатди.

Россия Давлат думасининг собиқ раиси, «Либерал Россия» партияси етакчиси Иван Рибкин ҳам номзодлар рўйхатидан жой олди. Лекин унинг партияси мамлакат Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтмаганлиги сабабли, у номзодини партия номидан кўрсата олмайди. Шунинг учун Рибкиннинг номзоди талаб қилинадиган 2 миллион имзо тўплаган «фуқаролар гуруҳи» томонидан кўрсатилди.

Кўпчилик сиёсатдонлар Рибкиннинг сайловларда бирон-бир жиддий натижага эришишига гумон қилишмоқда. Чунки уни ҳозир Лондонда сиёсий бошпана топган ва айни пайтда Россия ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари томонидан айбланган Борис Березовский қўллаётгани барчага маълум. Бундан ташқари, ҳозир Иван Рибкиннинг мавқеи ҳам унчалик баланд эмас. Аммо Рибкин Чеченистон муаммосини ҳал этишга қаратилган ташаббуслари унга сайловчиларнинг ишончини қозонишда кўмак беришига умид қилаётир.

Сайлов жараёнида ишбилармон Герман Стерлиговнинг номзод сифатида иштирок этаётганини кузатувчилар шуҳратпарастлик деб баҳолашмоқда. Уларнинг фикрича,




тобутлар ясаб сотиш билан бойиган бу номзодни жиддий қабул қилиб бўлмайди.

Аммо Россия Федерацияси Кенгашининг раиси Сергей Мироновнинг президент бўлиш ҳоҳиши борлигини кутилмаган воқеа дейиш мумкин. «Российская партия жизни» етакчиси Мироновнинг айтишича, агар партия 2004 йилнинг 4 январь куни бўлиб ўтадиган қурултойида унинг номзодини қўллаб-қувватласа, у сайловларда қатнашади.

Лекин маълумотларга қараганда, Миронов сайловлар орқали партиянинг дастурини кенгроқ ташвиқ этиб, келгуси парламент сайловлари учун замин яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

У ўз номзодини президентликка қўйгани билан, Владимир Путин номзодини қўллаб-қувватлашини билдирди.

Россиянинг амалдаги президенти Владимир Путин бўлажак сайловларда давлат раҳбарлигига асосий даъвогар эканини кўпчилик бот-бот таъкидламоқда. У сайловга номзодини президент партияси ҳисобланадиган «Единая Россия»дан эмас, балки «ташаббускор гуруҳ»дан кўрсатгани ҳам эътиборга молик.

Россиялик таниқли сиёсатшунос Глеб Павловскийнинг айтишича, бўлажак сайловларда Путинга муносиб рақиб йўқ.

— Путин ғолиб чиқишини бутун дунё ҳозирданоқ билади, — дейди Сиёсий технологиялар маркази президенти Игорь Бунин.

«Общественное мнение» жамғармасининг тадқиқодлари ҳам бу фикрлар тўғри эканлигини тасдиқлаб турибди. Унинг 200 дан зиёд аҳоли пунктларида яшовчи 3 мингдан зиёд киши ўртасида ўтказган сўровлари натижаларига қараганда, Путинни бугунги кунда сайловчиларнинг 66 фоизи қўллаб-қувватлашга тайёр.

Мазкур сайловларда ўнгчилар — СПС ва «Яблоко»нинг президентликка номзод кўрсатишдан бош тортишини ҳам сайлов жараёнининг кутилмаган «совға»ларидан дейиш мумкин.

Коммунистлар бу сафар президентликка унинг етакчиси Геннадий Зюгановнинг эмас, Николай Харитоновни номзод сифатида қўллаб-қувватлашга қарор қилишди. Айтиш жоизки, Харитонов 1999 йилдаги парламент сайловларида ғолиб чиқиб, Думада агросаноат депутатлар гуруҳига етакчи бўлган.

Таъкидлаш лозимки, номзод кўрсатишга ҳали муддат бор. «Ташаббускор гуруҳлар» 1 январгача, партия ва блоклар эса 6 январгача масалага аниқлик киритишлари мумкин. Россияда қабул қилинган янги қонунга биноан, Давлат думасига кирган партия ва блоклар имзо йиғмасдан номзод кўрсатишлари мумкин.

Президентликка сайлов жараёни дастлабки босқичга кирди. Сайловлар кутилмаган натижалар олиб келишини Россиядаги парламент сайловлари ҳам кўрсатди. Демак, биз жараённи кузатиб борамиз ва мавзуга яна қайтамиз.

**Салим ДОНИЁРОВ.**

# ОЛАМ НАФАСИ

**Янгиликлар, воқеалар, далиллар**

## Шешеля ғалабаси

**Сербия парламенти учун бўлиб ўтган сайловларнинг дастлабки ҳисоб-китобларига қараганда, ўта миллатчилик руҳидаги партия ғалаба қозонган. Гаага трибунали томонидан ҳарбий жиноятларда айбланган Войслав Шешеля раҳбарлик қилаётган мазкур партия сайловда ўртача 27,5 фоиз овоз тўплаган. Сайловларда иштирок этган учта демократик партия биргаликда 41,5 фоиз овоз тўплади. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, миллатчилар мамлакат ҳокимиятини тўлиқ ўз қўлларига ололмайдилар.**



## Конвертдаги бомба

**Шанба куни Еврокомиссия раиси Романо Проди Болонье шаҳридаги уйида почта орқали келган хатни очаётганда конверт бехосдан портлаб кетди. Продига ҳеч қандай зарар етмади. Маҳаллий полиция мазкур ишда Италия анархистларининг қўли бор, демоқда.**

## Гризлов — Дума раиси

**Кеча Москвада тўртинчи чақириқ Давлат Думасининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар Россия парламентининг қуйи палатаси раиси ва унинг ўринбосарларини сайлайдилар. Дума раислигига «Единая Россия» партияси йўлбошчиси Борис Гризлов сайланди.**

## Камикадзеларнинг шахси аниқланди

**Покистон Ахборот вазири Рашид Аҳматнинг таъкидлашича, президент Парвез Мушаррафга уюштирилган суиқасд Кашмир ва афғон террорчи гуруҳлари томонидан ташкиллаштирилган. «Иккала террорчи-камикадзенинг ҳам шахси аниқланди. Бундан ташқари, қўпорувчиликда хорижий террорчи ташкилотларнинг ҳам қўли бор,» деди вазир.**

## Келажак машиналари

**Австралияда яна бир келажак автомобили синови муваффақиятли якунланди. Австралия бўйлаб 4 минг километр масофани у 10 кун мобайнида босиб ўтди. «Аполлодин» деб номланувчи мазкур машиналар кундуз куни қуёш батареяси ва кечалари водород ёрдамида ҳаракатга келади. «Аполлодин» Япониядаги Тамагава университети талабаларининг кашфиёти бўлиб, қадимги юнон афсоналаридаги қуёш ва сув маъбудасининг номлари билан аталмоқда.**



## Суриянинг тинчлик таклифи

**Бундан бир муддат олдин Сурия президенти Башар Ал-Асад Исроил билан икки томонлама тинчлик борасида музокаралар ўтказиш таклифини илгари сурганди. Haaretz газетасининг маълум қилишича, Исроил Бош вазири Ариэл Шарон мазкур таклифни диққат билан ўрганиб чиқмоқда. «Исроил араб давлатлари билан минтақада тинчлик ўрнатишни хоҳлайди. Суриянинг таклифи АҚШ тарафидан ўтказилаётган босимни бироз пасайтиришга ҳаракат бўлиши ҳам мумкин, деган шубҳалар бор. Биз ушбу масалани жиддий ўрганиб чиқишимиз лозим» деди Шарон. Башар Ал-Асад Исроил билан исталган жой ва исталган вақтда музокараларни бошлашга тайёр эканлигини билдирган.**

## Ҳисобот тайёрлайди

**МАГАТЭнинг бош қароргоҳидан олинган хабарларга кўра, Ливияда халқаро кузатувчилар текширув ишларининг биринчи босқичини бошладилар. Улар Ливияда оммавий қирғин қуроллари дастури ва шу пайтгача ўтказилган илмий тадқиқотлар аҳволи билан танишиб чиқиб, ҳисобот тайёрлашади. 2004 йил март ойида Муҳаммад Ал-Барадеи МАГАТЭнинг йиғилишида ҳисоботни ўқиб эшиттиради.**



## Кобулда портлаш

**Кобул шаҳридаги аэропортда рўй берган портлаш оқибатида олти киши қурбон бўлди, бир неча одам оғир тан жароҳати олди. Қурбон бўлганларнинг тўрт нафари полиция, иккитаси мамлакат мудофаа вазирлиги ходимларидир. Тахмин қилинишича, полициячилар жангариларни қўлга олишга урингенларида улар аэропорт ҳудудига портловчи модда жойлаштириб кетишган.**

## Эрон: Зилзила келтирган фожиа

Табиий офат олдида инсон ҳамиша ожиз. Буни ўтган жума куни Эроннинг Бам шаҳрида рўй берган зилзила яна бир бор исботлади. Мамлакат пойтахти Теҳрондан минг километрча узоқликда жойлашган бу шаҳар асосан XVI-XVII асрларда бунёд этилган. Бамда жуда кўп тарихий обидалар мавжуд. Шаҳар ва унинг атрофида 200 мингдан кўпроқ аҳоли истиқомат қилади.



Дастлабки ер силкиниши маҳаллий вақт билан соат 5 дан 28 минут ўтганда рўй берди. Бу пайтда кўпчилик ҳали уйқуда эди. Шаҳарнинг лойдан қурилган бир-икки қаватли бинолари Рихтер шкаласи бўйича 6,3 балли зилзилага дош беролмай бир неча дақиқада вайронага айланди. Маълумотларга қараганда, 70 фоиз уйлар биринчи силкинишдаёқ қулаб тушган. Орадан бироз вақт ўтиб яна ер қимирлаган. Аммо бу сафар унинг кучи бироз пасайган эди.

Чет эл оммавий ахборот воситалари қурбонлар ҳақида турлича хабарлар тарқатмоқда. Сўнгги маълумотларга қараганда, 20 минг киши вафот этган, 50 мингдан кўпроқ аҳоли турли даражада жароҳат олган. Булар ҳозирча тахминий маълумотлар, холос. Мутахассислар қурбонлар сони бундан анча кўпроқ бўлиши ҳам мумкин деган фикрни билдиришмоқда.

Зилзила рўй бергани тўғрисидаги хабардан сўнг мамлакатнинг турли бурчакларидан қутқарувчилар ёрдамга кела бошлаган. Аммо йўллар ёрилиб, бузилиб кетганлиги учун автотранспортда юришнинг иложи бўлмаган. Натижада кўпгина қутқарувчилар машина ва қутқарув техникасини йўлда қолдириб келишга мажбур бўлган. Бу эса қутқарув ишларини қийинлаштирган. Хабарларда таъкидланишича, шаҳарда электр энергияси, сув, газ таъминоти издан чиққан. Электр энергияси йўқлиги учун тунда қутқарув ишларини олиб бориш қийинлашди.

Мамлакат президенти Саййид Муҳаммад Ҳотамий рўй берган ҳодисани миллий фожиа деб атади ва барча эронликларни жабрланганларга ёрдам беришга чақирди. Ҳукумат дунё ҳамжамиятига ёрдам сўраб мурожаат қилди.

Ҳозир табиий офат рўй берган жойда Буюк Британия, Германия, Италия, Россия, Франция, Туркия ва Испания мамлакатлари қутқарувчилари қутқарув ишлари олиб боришмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кечиктириб бўлмас ёрдам учун 90 миллион доллар ажратди. АҚШ, Австралия, Япония, Покистон ҳукуматлари моддий ёрдам беришга тайёр эканликларини билдиришди.

«Би-би-си» мухбирининг хабар беришича, айрим сиёсатчилар ҳозир Эронга қутқарувчилар эмас, кўпроқ тиббий ёрдам, дори-дармон кераклигини таъкидлашмоқда. Чунки энди вайроналар тагида тирик жон қолганига ишонч тобора камайиб бормоқда. Бошқалар эса қутқарув ишларини давом эттириш зарурлиги, тупроқ остида ҳали 10 фоизгача тириклар бўлиши мумкинлигини қайд этмоқда.

Бам зилзиласи Эрондаги биринчи ер силкиниши эмас. Мамлакат сейсмик ҳудудда жойлашган бўлиб, тоғли туманларда деярли ҳар куни ер қимирлаб туради. 1981 йилда бўлган зилзилада 1000 киши, 1990 йилдаги ер силкинишида 35 минг киши, 1997 йили икки ер қимирлашида эса 2500 нафардан кўпроқ киши табиий офат қурбонига айланган. Сейсмологлар одамлар бундан тўғри хулоса чиқариб олмаганини афсус билан таъкидлашмоқда. Қишлоқларда, айрим шаҳарларда ҳам кўпчилик аҳоли ҳамон зилзилани ҳисобга олмай иморат қурмоқда. Бу эса зилзилалар пайтида қурбонларнинг кўпайишига олиб келмоқда. Бам фожиаси бунга яққол мисол бўла олади.

**Беккул ЭГАМҚУЛОВ**

**_Япон ҳарбий кучларининг дастлабки бўлинмалари Ироққа жўнаб кетди. Улар фақат инсонпарварлик масалаларни амалга ошириш билан шуғулланади._**

**_Япония Ироққа ҳаммаси бўлиб мингдан ортиқ ҳарбийларни жўнатишни режалаштирган. Бу эса Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан буён чет элга жўнатилаётган япон ҳарбийларининг энг катта микдоридир._**



## Япон ҳарбийлари Ироқда

Япония конституциясига биноан кунчиқар мамлакат ҳарбий кучлари чет элда жанговор ҳаракатларни олиб бориш ҳуқуқига эга эмас. Шунинг учун ҳам, япон ҳарбийларининг Ироққа жўнатилиши мамлакатдаги мухолифат кучлар норозилигига сабаб бўлди.

Ироқда ҳар куни турли давлатлар ҳарбий кучлари талафот кўраётган бир вазиятда, Япония парламенти шу йилнинг июль ойида Ироқда амалиёт ўтказишга рухсат берувчи махсус қонун қабул қилди. Бу қонунга биноан япон ҳарбий кучлари ҳарбий ҳаракатларда иштирок этмаса-да, инсонпарварлик операцияларида қатнашади.

Лекин кўпгина японлар аскарлар ҳарбий можароларга аралашиб қолишидан чўчимоқдалар. Япон ҳарбийларининг катта қисми Ироқнинг жануби-шарқий ҳудудларига жойлаштирилади. Улар сув таъминоти тармоқларини тиклаш, маҳаллий аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш ва мактаблар қуриш билан шуғулланадилар.

«Япония ривожланиши ва тараққиёти жаҳондаги барқарорлик билан чамбарчас боғлиқ. Биз ўзимиз билан ўзимиз бўлиб қола олмаймиз. Ўз кучимизни бошқа мамлакатлар ривожи ва тинчлиги учун ишлатишни таклиф қилиш бизнинг бурчимиздир», деди ҳарбийларни кузатиш маросимида сўзга чиққан Япония бош вазири Жунитиро Коидзуми.

Япония 2007 йилнинг охиригача Ироққа 5 миллиард доллар микдорида ёрдам кўрсатишга қарор қилди. Бу маблағнинг 1,5 миллиарди беғараз ёрдам сифатида тақдим этилади. Айни пайтда, Япония Ироққа ҳомийлик кўрсатаётган АҚШдан кейинги иккинчи мамлакатдир. Шу билан бирга, Япония Ироқнинг маданий меросини қўриқлаш ва яхлитлигини сақлаб қолишда ҳам ёрдам кўрсатади.

Япония ҳукумати Ироқ билан бир қаторда, жаҳондаги энг оловли нуқта бўлиб турган Яқин Шарқ можаросини ҳал қилишда ҳам фаол иштирок этмоқчи.

**Хуршид РАУПОВ.**

# Омад ва омадсизлик

**нимага боғлиқ?**

Кимнингдир ҳамиша омади келади, кимнингдир эса ҳаётда ҳамиша ҳам иши юришавермайди. Хўш, нима учун шундай? Одам омадли бўлиши учун нима қилиши керак?

Буюк Британиялик руҳшунос Ричард Уайзман мана шу саволларга жавоб топганини айтмоқда. У бу иш учун ўн йилча вақт сарфлади ва шу йиллар давомида кўплаб тадқиқотлар ўтказди.

Уайзман дастлаб маҳаллий газеталарнинг бирида ўзини жуда омадли ва омадсиз санайдиганлар ўзлари ҳақида маълумот беришини сўраб аҳолига мурожаат қилди. Унинг мурожаатига юзлаб эркак ва аёллар жавоб беришди ҳамда тадқиқотларда иштирок этишга розилик билдиришди.

Ричард Уайзманнинг гапига қараганда, омад ва омадсизлик, кўпчилик тасаввур қилганидек, илоҳий кучларга эмас, балки одамнинг фикр-ўйлари ва ўзини тутишига боғлиқ.

— Масалан, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш деган тушунчани олайлик, — дейди руҳшунос. — Омадли киши ундан тўлиқ фойдалана билади, омадсиз эса аксинча. Мен очилаётган имкониятни ким қандай илғаб олишини билиш учун тажриба ўтказдим. Бунинг учун ўзини омадли ва омадсиз деб ҳисобловчиларга биттадан газета бердим ҳамда улардан газетада нечта сурат борлигини санаб беришларини илтимос қилдим. Саҳифанинг ўртасига йирик-йирик ҳарфлар билан "Шу матнни кўраяпсанми? Кўрганингни айтсанг 250 фунт стерлинг (400 доллар атрофида) оласан" деб ёзиб қўйдим.



Ўқувчи эълонни кўрмай иложи йўқ эди. Аммо ўзини омадсиз ҳисобловчилар ўша матнга эътибор беришмай, бутун диққатини фақат сурат санашга қаратишди.

Руҳшуноснинг айтишича, иши юришмайдиганлар суратларни ўтказиб юборишдан хавотирга тушиб, матнга эътибор беришмаган. Бундай одамлар бирон даврада ўтирганида ҳам ўзига манзур одамни излайди ва ёнидаги кишилар билан танишиб, хушчақчақ бўлиб ўтирмайдилар. Ёки газета ўқиганда ҳам фақат ўзига керакли нарсани излаб, бошқа нарсаларга эътибор қаратмайди, дейди Уайзман.

Олим тадқиқотлари якунида шундай хулосага келади: омадли кишилар очиқ ва кенг феъллидир. Шунинг учун ҳам, улар нафақат излаётган нарсасини, балки атрофдагиларига ҳам эътибор қилишади.

Руҳшуноснинг таъкидлашича, омадлилар ўз имкониятларини ҳисоблай биладилар ва қилаётган ишидан ижобий натижа кутадилар. Яна улар атрофдаги воқеа-ҳодисаларга енгилроқ муносабатда бўладилар. Бу эса унга иши юришмаганда ҳам руҳи тушиб кетмаслигига ёрдам беради.

Тадқиқодлари давомида Уайзман "сунъий" омад яратиш мумкинми, деган саволга ҳам жавоб излайди. Бунинг учун у кўнгиллиларни йиғиб, уларга бир ой давомида ўзларини дунёдаги энг бахтли одамлар деб ҳис этишларини таклиф қилади.

Бу тажриба кутилганидан ҳам ижобий натижа берди. Тадқиқот қатнашчиларида ўз имкониятларини сезиш, омадли бўлишга интилиш ва омадсизликларга эътибор бермаслик каби туйғулар ривожлана бошлади. Яъни омадлилар янада омадли, иши юришмайдиганлар эса омадлилар сафига қўшила бошлади.

Натижада руҳшунос шундай хулосага келди:

ҳар бир инсон ўз қалбига қулоқ тута билиши лозим, чунки у камдан-кам хато қилади.

Кундалик ишлар билан чалғиб, туғилаётган янги имкониятларни кўриш қобилиятини йўқотмаслик керак.

Ҳар куни, ҳеч бўлмаганда бир неча дақиқа бўлсада, ўз ҳаётида юз берган яхши воқеаларни эслаш, кишига ажойиб кайфият ва руҳ бағишлайди.

Муҳим учрашув ёки суҳбатдан олдин ўзингизни жуда бахтли инсонман деб тасаввур қилинг. Омад, аслида ўзимиз аввалдан тасаввур қилган туйғу.

**Д. САЛИМ таржимаси.**

## Тайсон жиу-житсу қиролига қарши

**Ўта оғир вазнли боксчи Майк Тайсон келаси йилнинг баҳорида жиу-житсу (каратэнинг бир тури) устаси бразилиялик Хиксон Грэйсига қарши рингга чиқиши мумкин. Айни пайтда "темир Майк" ва жиу-житсу "қироли" промоутерлари ўртасида музокаралар кетмоқда.**



**Бокс ихлосмандларига "темир Майк"ни таништиришнинг ҳожати йўқ. Мухлислар унинг рингдаги, ринг ташқарисидаги ҳаётини яхши билишади. Лекин унинг бўлғуси рақиби ҳақида деярли ҳеч қандай маълумотга эга бўлмасалар керак. Грэйси ҳам ғалаба қозониш бўйича Тайсондан асло қолишмайди. Каратэнинг ушбу турида 400 та "жанг" ўтказган баразилиялик жиу-житсу "қироли" бирор марта ҳам рингни боши эгик ҳолда тарк этмаган.**

## Марко Ван Бастен касбини ўзгартирди

**Голландия футболининг юлдузи, уч бор "Олтин тўп" соҳиби Марко Ван Бастен майдонга қайтди. У энди пляж волейболи бўйича чемпионатда иштирок этади. Бразилияда кашф қилинган ушбу спорт тури волейбол ва футболнинг бирикишидан таркиб топган. Футволлейда икки жамоада иккитадан спортчи баҳслашади. Тўпни оёқ билан ҳам, қўл билан ҳам ўйнаш мумкин. Фақат у волейбол тўри устидан ошириб ўтказилса бас.**

**Амстердамнинг Аалссмир шаҳрида бўлиб ўтадиган чемпионатга Ван Бастендан ташқари, ака-ука Рональд ва Франк Де Бур, Рой Макаай ҳамда Франция терма жамоасининг собиқ футболчиси Жан Пьер Папен қатнашиши кутилмоқда.**

## Ишқибозлар рўйхатида

**Англиянинг "Ливерпуль" футбол жамоаси 2003 йилдаги энг ашаддий ишқибозлари рўйхатини эълон қилди. Унга кўра, рўйхатни машҳур қўшиқчи Крис Де Бургнинг қизи "Мисс-2003" ғолиби Родзана Девидсон бошқариб турибди. Шунингдек, Буюк Британия Бош вазири Тони Блэрнинг рафиқаси Шери Блэр хоним ҳам Жерар Улье мураббийлик қилаётган жамоани бошқалардан устун қўяр экан. Кейинги ўринларни Рим Папаси — Иоанн Павел иккинчи, Англия терма жамоасининг бош мураббийи Свен Йоран Эриксон ҳамда "Формула-1" пойгаларининг кўп карра чемпиони Михаэл Шумахерлар банд этишган.**

**Дилмурод ПАРПИЕВ.**




### Фидойи аёллар

Францияда юз нафарга яқин машҳур аёл ким ошди савдоси ташкил этиб, унда ўзлари чизган расмларни сотишди. Савдодан тушган 120 минг евро кўплаб аёлларнинг вафотига сабаб бўлаётган кўкрак саратони касаллигининг сабабларини ўрганишга сарфланади.

### Семириш кони зарар

Кейинги юз йилда биринчи марта Буюк Британия аҳолисининг ўртача умр кўриш даври қисқара бошлади. Бунга ёшларнинг ҳаддан ташқари семириб кетиши сабаб бўлаяпти. Айрим мутахассислар буни ҳатто эпидемия деб атамоқдалар. Инсон организмида ёғнинг кўпайиши юрак-қон томирлар, қандли диабет, саратон касалликларини келтириб чиқаради.

### Врачлар давога муҳтож

Венгрия соғлиқни сақлаш тизимида ижтимоий тадқиқот ўтказган мутахассислар қизиқ бир фактга дуч келишди. Гап шундаки, тиббиёт ходимларининг ўртача умр кўриши, мамлакат аҳолисининг ўртача умр кўришидан 5-6 йил кам экан. Бунинг сабаби нима? Тиббиётчиларнинг ўзлари энди шу муаммони ўрганишга киришишди.

### Қизил вино фойдали

Қизил вино нафақат ёқимли ичимлик, балки фойдали хусусиятга ҳам эга. Британиялик тиббиётчиларнинг айтишларича, уни оз-оздан истеъмол қилиш юрак фаолиятини яхшилаши аллақачон исботланган. Энди улар қизил вино ўпка учун ҳам фойдали эканлигини аниқлашди.

**Улуғой ДОЛИЕВА, тайёрлади.**

# Янги - 2004 йил билан, азиз юртдошлар!

Ўзбекистон Республикасининг телекоммуникация оператори – "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси Сизларни 2004 йил билан самимий муборакбод этади. Янги йилда Сизларга бахт-саодат, ишларингизда омад ва улкан зафарлар, оилангизга тотувлик ва хотиржамлик тилайди.



O'ZBEKTELEKOM
Aktsiyadorlik kompaniyasi
Toshkent, 700000, Amir Temur ko'chasi, 24.
Tel.: 133-42-59, faks: 136-01-88.
www.uztelecom.uz, e-mail: uztelecom@intal.uz

8412R/2725



TURON BANK

# АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ТУРОНБАНК»И

Ўзбекистон халқини, ўз акциядорлари ва мижозларини кириб келаётган

## Янги – 2004 йил билан

самимий муборакбод этиб, барчага бахт-саодат, соғлиқ ва фаровонлик тилайди.

Кириб келаётган 2004 йил — «Меҳр ва мурувват йили» хонадонингизга файзу барака, қувонч бахш этсин!

2004

**«Туронбанк» сиз билан ва сиз учун!**



# ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

## РЕКТОРАТИ, ИЛМИЙ КЕНГАШИ,

*SIFE (САЙФ) — «Талабалар — эркин тадбиркорликда» деб номланган ёшлар ҳаракатининг Германияда ўтказилган халқаро мусобақаси совриндорлари бутун Ўзбекистон халқини, талабаларни, эдвайзерлар — эркин тадбиркор ёшларни 2004 йил — «Меҳр ва мурувват йили» билан самимий муборакбод этади, илмий изланишларда омад ва муваффақиятлар тилайди!*




**Жамоа номидан: институт ректори, Эдвайзерлар кенгаши раиси, профессор Расулжон ТОЖИЕВ.**

Республика акциядорлик тижорат банки —

"ҒАЛЛАБАНК"

бошқаруви ва жамоаси

ўз акциядорлари, мижозлари ва бутун мамлакатимиз аҳолисини кириб келаётган Янги йил байрами билан самимий табриклайди.

Меҳр ва мурувват йили, деб эълон қилинган келгуси йилда ҳаммага соғлиқ-саломатлик, хуш кайфият ва ишлари бароридан келишини тилайди.

Янги йилда халқимиз дастурхонидан тўкинчилик аримасин, барча орзулари рўёбга чиқсин.

"Ғаллабанк" хонадонингизга барака келтирсин!

3420Я/2750

## Ташкилот ва корхоналар диққатига!

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси танлов савдоларини ташкил этиш бўйича республика бошқармасининг

## АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

*қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни*

***танлаш бўйича танлов савдолари эълон қилади:***

1. **Андижон шаҳридаги педагогика индустриал техникумини 900 ўқувчи ўрнига мўлжалланган иқтисодиёт касб-ҳунар коллежига қайта таъмирлаш.**

   *Иншоотнинг «тўлиқ қуриб битказиш» (под ключ) бошланғич нархи — 1041 млн.сўм, шундан жиҳозлар — 179 млн.сўм. Бажариш муддати — 210 кун.*

2. **Андижон туманидаги бизнес-мактабини 600 ўқувчи ўрнига мўлжалланган агросаноат (қишлоқ хўжалиги) касб-ҳунар коллежига қайта таъмирлаш.**

   *Иншоотнинг «тўлиқ қуриб битказиш» (под ключ) бошланғич нархи — 611,1 млн.сўм, шундан жиҳозлар — 79,1 млн.сўм. Бажариш муддати — 210 кун.*

3. **Кўрғонтепа туманидаги агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежини 600/200 ўқувчи ўрнига мўлжалланган иқтисодиёт касб-ҳунар коллежига қайта таъмирлаш.**

   *Иншоотнинг «тўлиқ қуриб битказиш» (под ключ) бошланғич нархи — 929,46 млн.сўм, шундан жиҳозлар — 126 млн.сўм. Бажариш муддати — 210 кун.*

4. **Шаҳрихон туманидаги 6-сон касб-ҳунар мактабини 600/200 ўқувчи ўрнига мўлжалланган иқтисодиёт касб-ҳунар коллежига қайта таъмирлаш.**

   *Иншоотнинг «тўлиқ қуриб битказиш» (под ключ) бошланғич нархи — 575,1 млн.сўм, шундан жиҳозлар — 70,1 млн.сўм. Бажариш муддати — 210 кун.*

5. **Хонобод шаҳридаги қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежини қўшимча 100 ўқувчи ўрнига қайта қуриш (II-навбати).**

   *Иншоотнинг «тўлиқ қуриб битказиш» (под ключ) бошланғич нархи — 96,6 млн.сўм, шундан жиҳозлар — 13 млн.сўм. Бажариш муддати — 90 кун.*

6. **Марҳамат туманидаги агросаноат касб-ҳунар коллежини 100 ўқувчи ўрнига қайта қуриш (II-навбати).**

   *Иншоотнинг «тўлиқ қуриб битказиш» (под ключ) бошланғич нархи — 143,95 млн.сўм, шундан жиҳозлар — 29 млн.сўм. Бажариш муддати — 90 кун.*

***Буюртмачи — вилоят ҳокимлигининг капитал қурилиш бўлими.***
***Манзили: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 45-уй. Телефон: 25-25-61.***
***Қурилиш ишларини молиялаштириш давлат марказлашган капитал маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.***

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — танлов савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Андижон вилояти филиалига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

***Андижон шаҳри, Б.Ҳакимов кўчаси, 14-«А»-уй.***

***Тел./факс: 24-72-79.***

*Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.*

**Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан 30 кун ўтганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.**

**Газетанинг 2003 йил 12 декабрь 250-сонида чоп этилган:**

1. **Избоскан туманининг Луғимбек қишлоғида 900 ўқувчи ўрнига мўлжалланган агросаноат (қайта ишлаш) касб-ҳунар коллежи қурилиши.**

   *Иншоотнинг «тўлиқ қуриб битказиш» (под ключ) бошланғич нархи — 2200 млн.сўм, шундан жиҳозлар — 250 млн.сўм.*

2. **Пахтаобод туманининг Шоврук қишлоғида 600 ўқувчи ўрнига мўлжалланган ижтимоий (педагогика) касб-ҳунар коллежи қурилиши.**

   *Иншоотнинг «тўлиқ қуриб битказиш» (под ключ) бошланғич нархи — 1346,4 млн.сўм, шундан жиҳозлар — 108 млн.сўм.*

3. **Марҳамат туманининг 11-сон касб-ҳунар мактаби базасида 600/100 ўқувчи ўрнига мўлжалланган саноат (енгил) касб-ҳунар коллежи қурилиши.**

   *Иншоотнинг «тўлиқ қуриб битказиш» (под ключ) бошланғич нархи — 685 млн.сўм, шундан жиҳозлар — 85 млн.сўм деб ўқилсин.*

3424Н/2765

Mix Market

ИДОРА МЕБЕЛЛАРИ САЛОНИ

Италия дизайнерлари ишланмалари

15 турдан зиёд кабинет мебеллари
2,5 м. дан 5 м. гача бўлган конференц-столлар
Шкафларнинг катта танлови

КОНСЕРВАТИЗМДАН АВАНГАРДГАЧА

Офис тўсиқлари
чарм креслолар
юмшоқ мебеллар тўплами

Буюртма бўйича конференц креслолар етказиб бериш имконияти бор

Товар сертификатланган

Бизнинг манзил :Тошкент ш.,А.Темур-Эргашев к., 2
(мўлжал «Қозоғистон» к-ри,Юнусобод тумани солиқ инс-си қаршисида)
Тел.: 135-74-47, тел./факс: 135-41-59. E-mail: qbs@sarkor.com

## *Миллий дастур ниҳоллари*

***26-27 декабрь кунлари Тошкент давлат иқтисодиёт университетида чет элларда таълим олган ёш мутахассисларнинг биринчи конференцияси бўлиб ўтди. Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жамғармаси ҳамкорлигида уюштирилган бундай тадбирга алоҳида зарурият бор эди.***

# Хорижда ўқиганлар анжумани

Шуни айтиш керакки, чет элларда таълим олган ёш мутахассисларнинг билим-малакалари фақат уларнинг маънавий бойлиги бўлиб қолмай, балки бутун мамлакатимиз илмий жамоатчилигининг, жумладан, таълим тизимининг ҳам интеллектуал имкониятларига айланиши керак. Юқоридаги илмий анжуман шу мақсадда ташкил этилди.

Фундаментал фанлар, иқтисодиёт, ижтимоий-маиший фанлар, техника ва технология йўналишларида икки кун давомида чет элларда таълим олган талабаларнинг ўнлаб маърузалари тингланди.

Анжуманда бу талабаларнинг билим ва малакаларидан самарали фойдаланишга қаратилган кўпгина қимматли таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди.

Талабалар анжуманининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат маслаҳатчиси А.Абдувоҳидов, республика олий ва ўрта махсус таълим вазири С. Ғуломов қатнашди.

**М.САФАРОВ.**

«ВОЛГА» автомобиллари СОТИЛАДИ.
пул-ўтказиш йўли билан
«ГАЗ» ОАЖнинг расмий дилери Тошкент шаҳридаги омбордан ГАЗ-3110, ГАЗ-3102 автомобилларини, шунингдек, «Газель» русумидаги юк машинасини таклиф этади.
Телефон: 119-21-83.
Автомашиналар темир йўл орқали вагонларда келтирилган.

Ушбу жойда Сизнинг рекламангиз бўлиши мумкин эди!
«Халқ сўзи»даги Реклама — бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!
Сизни қуйидаги манзилда кутамиз: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй, 2-қават, 242-хона. Тел.: 136-09-25, 132-10-63.

ЎХБ «ЎЗПРИВАТБАНК»
СИЗЛАРНИ ЯНГИ ЙИЛ БИЛАН ЧИН ДИЛДАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ!
Янги йил сизларга бахт, тинчлик-тотувлик, омад олиб келсин!

«ЎЗБЕК ЛИЗИНГ ИНТЕРНЕЙШНЛ А.О.»
ХАЛҚАРО ЛИЗИНГ КОМПАНИЯСИ
Ўзбекистон халқини кириб келаётган Янги - 2004 йил билан табриклайди!
Янги йил барчага бахт-саодат, қувонч ва омад келтирсин!
Янги йилда «Ўзбек Лизинг Интернейшнлнинг А.О.» ҳамкорлигида янги технологиялар сари.
ҲАҚИҚИЙ БИЗНЕС УЧУН ҲАҚИҚИЙ ҲАМКОР.
Тел.: 114-64-44, 144-64-44, 139-16-54, факс: 120-67-29.






# Байрам туҳфаси

Пойтахтликлар дастурхонини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўлдириш мақсадида жорий йилнинг 20 декабридан 31 декабрига қадар Тошкентимиз бозорларига вилоятлардан келтирилган мева, сабзавот ва гўшт маҳсулотлари ярмаркаси ўтказилмоқда. Яармаркалардаги маҳсулотлар бозордагидан анча арзон сотилмоқда.

– Андижонликлар ҳам бу хайрли ишга ўз ҳиссаларини қўшмоқда, – дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бўлим бошлиғи Камолиддин Раҳимов.– Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдо ярмаркасида турли хил, жами 315 тоннадан зиёд маҳсулот сотишни мўлжаллаганмиз. Айниқса бу борада Балиқчи, Асака, Марҳамат, Олтинкўл, Избоскан, Улуғнор туманлари меҳнаткашлари ҳамда «Андижонгўштсутсаноат» бирлашмаси жамоаси жонкуярлик қилишди. Айни вақтда андижонликлар «Юнусобод» деҳқон бозорида хизмат кўрсатишмоқда.

**Абдуваси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.**

## «ЗИЛОЛА ТЕКС»НИНГ ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАРИ

**ЖИЗЗАХ. /ЎзА мухбири Т.БЕКНАЗАРОВ/.** Шаҳардаги "Зилола текс" акциядорлик жамияти янги йилдан маҳсулот турини кўпайтиради. Бу ерда болалар ва ўсмирлар учун тўрт хилдаги спорт кийимлари ҳамда қўлқоплар тайёрланади. Бундан бир неча йил олдин ночор корхоналар рўйхатига тушиб қолган "Зилола текс" бозор талаблари асосида иш юритиб, сезиларли ютуқларга эришмоқда. Йил давомида корхонада қирқ миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.

## Ёш рассомлар танлови

Нукусда «Сув ва болалар» мавзуида ёш рассомларнинг республика танлови ўтказилди.

Танлов Германиянинг «Орол болаларига ёрдам» ва «Марказий Осиёга беғараз ёрдам» (KAFE - НУКУС) ташкилотлари томонидан уюштирилди.

Танловга ёш рассомлардан 45 дан зиёд асарлар келиб тушди. Унда Нукус шаҳаридаги 34-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Саид Матчанов ва 12-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Гулмира Кўсбергановалар ғолиб бўлди.

**«Туркистон-пресс».**

**Қўқон тўқимачилик комбинати негизида йилига ўртача 1200 тонна калава, мато ёки трикотаж матоси ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «Қўқонтекс» қўшма корхонаси тузиш бўйича инвестицион лойиҳа мавжуд.**

Лойиҳани молиялаштириш қўшма корхона сармояси ва банк кредитлари ҳисобига амалга оширилиши режалаштирилмоқда.

Қўшма корхонани ташкил қилувчи ҳамкорлар низом жамғармасига жиҳозлар баҳоси бўнак тўловининг 15%, банк тўловларининг фоизлари, маркетинг ва ишлаб чиқариш майдонларини тайёрлаш бўйича чиқимларни қоплашни ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг камида 80% ни экспортга сотишни кафолатлашлари лозим.

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилардан лойиҳанинг техник ва иқтисодий тавсифномаси кўрсатилган тўплам ҳужжатларини топширишларини сўраймиз.

Таклифлар эълон чоп этилгандан бошлаб бир ой мобайнида, қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

700100, Тошкент ш., Бобур к., 45. «Ўзбекенгилсаноат ДАК Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва қўшма корхоналар ташкил қилиш бошқармаси.

Тел./факс 115-29-37.







Муҳтарам юртдошлар !

ASAKA BANK

ДАТ «Асака» банки

Сизларни кириб келаётган

Янги йил байрами билан

табриклайди

ва даромадларингизни кўпайтириш учун Сизларга миллий валютада янги —

«СОВҒА» номли йиллик 50%

омонат турини тақдим қилади.

Ушбу омонат турини банкнинг ҳар бир филиалида очиш мумкин.
Омонатнинг сақланиш муддати — 45 кун.
Бадалларнинг энг оз суммаси — 250.000 сўм.
Бадалларнинг юқори суммаси чекланмаган.
Қўшимча бадалларни қўйиш мумкин.

ДАТ «АСАКА» банки сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

Мурожаат учун телефонлар:
120-82-72, 120-83-14, 120-81-98, 120-84-08.

ЎЗБЕКИСТОН АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИ —

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»

акциядорлар, мижозлар, юртдошлар ва Ўзбекистон меҳмонларини

Янги — 2004 йил билан

самимий табриклайди !

Сизларга, яқинларингизга мустаҳкам соғлиқ, ишларингизда муваффақиятлар тилайди. Оилангизга тинчлик, саодат, хотиржамлик ва фаровонлик ёр бўлсин, Янги йил Сизларга қувонч, омад олиб келсин ва орзуларингиз ушалиши насиб этсин !

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»

юртимиз аҳолисига қулайлик яратиш мақсадида хорижий валютадаги нақд пул жўнатмаларини жаҳоннинг 70дан ортиқ мамлакатларига халқаро

«CONTACT»

тизими орқали амалга ошириш бўйича замонавий хизмат турини таклиф этади.

«CONTACT» тизими бўйича нақд хорижий валютадаги пул жўнатмаларини қабул қилиш ва бизнинг ҳудудга келиб тушган пул кўчирмаларини эгаларига тўлаб бериш «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг филиалларида жойлашган жамғарма кассалари орқали амалга оширилади.

**«CONTACT» тизимида пул жўнатмаларини ишончли, қулай, тез ва арзон нархда амалга оширишни таклиф қиламиз.**

ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАРНИ ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОНЛАР ОРҚАЛИ БИЛИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН:
120-45-17, 120-45-24, 133-34-45.

Мардлар қўриқлайди Ватанни

# Асл мақсад — профессионал армия



## Бурч

Инсоннинг ўз Ватани олдида бир қанча бурчи бор. Бундай бурч эл-юрт корига яраш, маҳалла-кўй тинчлиги учун қайғуриш, бошқалар ташвишини ўзиникидек билиш, мамлакат ободончилигига ҳисса қўшиш каби улуғ вазифалар билан ўлчанади. Уларни адо этиш эса ҳар бир кишининг виждон ишидир. Ватан осойишталигини таъминлаш, унга хизмат қилиш эса бурчларнинг муқаддаси саналади. Бугунги кунда хизматга шайланаётган йигитлар, уларнинг ота-оналари бу масъулиятни яхши англайдилар. Шундан бўлса керак, фарзандлар Ватан олдидаги бурчини ўташдан қувонса, ота-оналар ўғлининг эл-юрт корига яраётганидан мамнунлигини изҳор этишади. Зотан, сарҳадларимиз мустаҳкамлиги, ҳаётимиз осойишталиги, мамлакатимиз мудофаа қобилиятининг мустаҳкамлиги ана шундай фидойи, жасур, мард йигитларнинг борлигидандир.

## Имтиёз

Президентимиз — Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов ташаббуси билан кейинги йилларда армия тизимида янгича муносабатлар вужудга келди. Қолаверса, бугун жойлардаги мудофаа бўлимларидан чақирилаётган ҳар бир йигит учун бир қатор қулай имконият ва афзалликлар мавжуд.

— Ҳарбий хизмат турларининг амалиётга оширилиши, тизимдаги янгиланишлар жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда, — дейди биз билан суҳбатда пойтахтдаги қисм командирларидан бири. — Бу эса йигитларда хизмат қилиш иштиёқини кучайтирмоқда. Биз бугун армия тизимидаги кўплаб имтиёзлардан мисол келтиришимиз мумкин.

— **Масалан?**

— Мана мисол учун, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ер ва қурилиш солиғидан тўла озод этиладилар. Хизмат давомида таътилга чиқадиган бўлса, уйига бориб келиш харажатлари Мудофаа вазирлиги томонидан бепул амалга оширилади. Шунингдек, муддатли ҳарбий хизматни тугатиб, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликларда яхши ва аъло ютуқларга эришганликлари тўғрисида ҳарбий қисм бирлашмалари командирларидан ёзма тавсияномалар билан қайтган ёшлар республикамизнинг олий ўқув юртларига ўқишга кирмоқчи бўлганларида уларга тест синовларида тўпланиши мумкин бўлган энг кўп баллнинг 20 фоизи миқдорида қўшимча имтиёз берилади. Қолаверса, берилган ёзма тавсияномаларнинг амал қилиш муддати уч йил этиб белгилаб қўйилди.

## Муносабат ёхуд йигитлар нима дейди?

Бугун ҳарбий тизимда ишлаётган, у ерда хизмат қилаётганларга қулай шарт-шароит яратилгани, яратилаётгани ҳақида бот-бот гапирмоқдамиз. Хўш, шундай экан, янгиланишлар айни пайтда ҳарбийда ўз йигитлик вазифасини ўтаётганларда қандай таассурот қолдирмоқда?

— Менинг хизматга келганимга ҳали бир ой ҳам бўлгани йўқ, — дейди пойтахт ҳарбий қисмларидан бирида ўз йигитлик бурчини ўташни бошлаган Шокир исмли йигит. — Очиғи, бу ерга келгунимга қадар ҳар хил фикр хаёлимдан ўтаётган эди. Чунки акаларимиздан армия тўғрисида кўпинча салбий фикрларни эшитардим. Ёш аскарларни улардан анча олдин келганлар уришади, иш буюришади қабилидаги гаплар хотирамда қолган эди. Хизматга келганимда эса, бундай фикрларнинг умуман нотўғри эканлигини англадим. Тўғри, айрим қийинчиликлар бор, аммо уларни енгиш йигит киши учун ҳеч нарса эмас.

— Тиббий кўрикдан, барча босқичлардан ўтиб мана бир ойлик йиғинда қатнашаяпман, исмим Туроб, сурхондарёликман, — дейди барваста, эгнидаги ҳарбий кийими ўзига ниҳоятда ярашган йигит. — Оиламиздаги баъзи сабабларга кўра муддатли ҳарбий хизматда бўлолмадим. Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат эса бизга маъқул келди. Чунки бу хизмат турининг ниҳоятда афзал ва қулайлигини таъкидлаш жоиз. Белгиланган сумма унчалик кўп эмас экан, уни тўладик. Бир ой ўтади-кетади ва мен ҳарбий хизматни тўлиқ ўтаган йигитлар қатори ҳарбий гувоҳномага эга бўламан.

## «Ватанимга хизмат қиламан»

Шу йилнинг баҳорги чақирув мавсумидан кейин хизмат юзасидан ҳарбий қисмлардан бирида бўлдик. У ерда хизматга эндигина келганларнинг қасамёд қабул қилиш маросимида қатнашишимизни айтишди. Гапнинг рости, бу маросимни ниҳоятда расмий ўтса керак, деб ўйлагандик. Йўқ, ундай эмас экан. Маросим бошланиб, йигитларимиз Ватанга, Президентга содиқ қолиш ҳақида ҳарбий қасам ичишаркан, йиғилганлар уларга айрича ҳавас билан қараб туришарди. Ота-оналарни айтмайсизми?! Фарзандининг балоғатга етганидан, энг муҳими, Ватан ҳимоясига қодир эканлигидан хурсанд. Кўнглида бир олам эзгу ниятлар.

Йигитларнинг ҳар бири қасамёд қабул қилиб бўлгач, баралла овозда "Ватанимга хизмат қиламан" дейишининг ўзи ҳар қандай кишини ҳаяжонлантиради. Ўша пайтда ўғлининг улуғ онт қабул қилишини кузатиб турган отахоннинг айтганлари азбаройи кўнгилдан чиққан гап бўлгани учун уни ён дафтаримга ёзиб қўйгандим. "Менинг тўртта ўғлим бор, бу кенжаси, — деган эди ўшанда у. — Яратганга шукур, уларнинг ҳаммаси истиқлолимизнинг армиясига хизмат қилди. Бироргаси хизматдан бўйин товлагани йўқ, баҳона қилгани йўқ. Ўғилларим хизматдалик чоғида уларнинг ҳар бирини орқасидан бориб кўриб келганман ва шароитининг яхшилигидан бошим осмонга етган. Агар мўъжиза рўй бериб, яна қайтадан ёшлигимга қайтсам, ҳеч иккиланмасдан туриб хизматга отланардим, ана ўшанда барча имтиёзлардан фойдаланиб, энг намунали аскарга айланардим..."

## Профессионал армия сари

Юқоридаги мисолларни бекорга келтирганимиз йўқ. Гап шундаки, биз армия тизимидаги қулайликлар ҳақида ҳар қанча гапирмайлик, профессионал армияни такомиллаштириш хусусида бот-бот фикр юритмайлик, агар фидойи йигитлар бўлмаса ўйлаган орзуларимизга эришиш мушкул. Бунинг учун эса аскарларимизнинг билаги ҳам билими ҳам зўр бўлиши керак. Зотан, бугунги янгиланишлар жараёнида бошқа соҳаларда бўлганидек, ҳарбий борада ҳам жасур, мард, энг муҳими, билимдон кишилар ниҳоятда зарур. Бугунги кун аскари шунчаки аскар эмас, балки барча нарсага ақли етадиган, мураккаб вазиятларда ҳам иккиланиб қолмайдиган чин маънодаги мутахассис бўлмоғи лозим. Зеро, ҳар томонлама комил ҳарбийларгина биз ўйлаётган профессионал армия яратилишига хизмат қилади. Ҳукуматимизнинг бу тизимга алоҳида эътибор қаратаётганидан кўзланган асл мақсад ана шу!

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

*Тошкент (ЎзА мухбири А. ИВАНОВА).*

*Ўзбекистонда болалар манфаатлари ҳимояси билан шуғулланувчи 100 дан ортиқ ноҳукумат ташкилоти бор. Ўсиб келаётган ёш авлод ривожланиши учун қулай шароит яратишга қаратилган ижтимоий сиёсатни амалга оширишда уларнинг иштирокини жонлантириш бугунги кунда энг муҳим вазифа ҳисобланади. Бундай жамоат бирлашмалари раҳбарларининг бир ҳафта давомида Тошкентда ўтказилган республика семинари бу борадаги фаолиятнинг самарали услубларини ишлаб чиқишга бағишланди.*

*Семинарни Ўзбекистон Болалар жамғармаси бошқаруви раиси И.Юсупова бошқарди.*

## Болалик муаммоларини ҳал этиш йўлида

Мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ баркамол ёш авлодни тарбиялаш тўғрисида ғамхўрлик Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатининг устуворликларидан бирига айланди, деб таъкидлади семинарда Вазирлар Маҳкамасининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуи котибият мудири Т.Норбоева. Ўтган даврда катта ижобий тажриба тўпланиб, у етакчи халқаро ташкилотлар, шу жумладан, ЮНИСЕФ томонидан эътироф этилди. БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси асосий моддаларини бажаришга доир Миллий ҳаракат режаси амалга оширилмоқда. Уни самарали ижро этиш мақсадида болалик муаммолари билан шуғулланувчи давлат ва жамоат ташкилотлари альянси ҳамда ноҳукумат нотижорат ташкилотлари уюшмаси ташкил этилди. Уларнинг фаолиятини Ўзбекистон Болалар жамғармаси мувофиқлаштириб бормоқда.

Республикада тегишли қонунчилик базаси яратилган ва доимо такомиллаштириб борилмоқда. Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори А.Саидов семинар қатнашчиларини болаликни ҳимоя қилиш борасидаги асосий ҳуқуқий меъёрлар билан таништирди. У ювенал адлиянинг ўзига хос хусусиятлари ва унинг халқаро андозалари ҳақида сўзлаб берди.

Семинарда ННТлар раҳбарлари учун ижтимоий ишлар амалиёти, ёшига қараб болаларнинг ҳақиқий эҳтиёжларини аниқлаш, улар билан мулоқот қилиш психологияси бўйича тренинглар ҳам ташкил этилди. Семинар "Бирор бола эътиборсиз қолмасин" кампаниясининг боришига бағишланган давра суҳбати билан якунланди.



Янги йил остонасида

*Дили ўксик, кам таъминланган оилалар, боқувчиси бўлмаган, ёлғиз ногиронларга тиббий ёрдам, ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш кони савоб аслида. Кексаларнинг дуоларига мушарраф бўлиш эса ундан-да савоб. Мамлакатимиздаги энг кекса хайрия ташкилоти — Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти аҳолининг ночор табақаларига ижтимоий ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатиб, кўпнинг дуосига қоляпти.*

# Савобга не етсин

Куни кеча ана шу жамият Миллий кенгаши раёсатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Жамият раиси Ў.Воҳидова яқинда Женевада бўлиб ўтган Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятлари Бош ассамблеяси конференцияси таассуротлари билан ўртоқлашаркан, анжуман доирасида бўлиб ўтган тадбирлар, кўргазмалар асосан терроризмга қарши биргаликдаги кураш мавзуига бағишланганини катта аҳамият касб этганини таъкидлади. Раёсат йиғилишида, шунингдек, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг 2003 йилдаги фаолияти якунлари ва янги йилдаги вазифалари, жамиятнинг 2004 йил бюджети ҳақида, янги таҳрирдаги Низом лойиҳаси хусусида ҳамда жамиятнинг Тошкент вилояти кенгашининг "Меҳр-шафқат" хизматининг олиб борган ишлари ҳақидаги масалалар муҳокама этилди.

Жамиятнинг ахборот хизмати бир неча йиллардан буён фаолият кўрсатиб келаётган бўлса-да, лекин унинг олиб борган ишлари йиғилишда оғизга тушди. Маълум бўлишича, жамият фаолияти тўғрисида "Инсонпарварлик йўлида" ахборот варақаси мунтазам чиқарилмоқда. Даврий равишда ҳисоботлар, буклетлар, плакатлар, тақвимлар, журнал ва бошқа босма нашрлар ўзбек, рус ва инглиз тилида чоп этилмоқда. Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг Халқаро Қизил Хоч қўмитаси билан ҳамкорликда уюштирилган "Инсонлар ва урушлар" фотокўргазмасини мамлакатимизнинг деярли ҳамма ҳудудларида 130 мингдан зиёд киши томоша қилди. Ўзбек ва рус тилларидаги икки хил "ОИТС ҳақидаги ҳақиқатни билиб ол ва уни бошқаларга етказ" буклети кўп минг нусхада тайёрланиб, республиканинг барча минтақаларига тарқатилди. Шу мавзуда икки минг деворий тақвим ҳам чиқарилди. Бироқ жамият матбуот котиби Р.Шукуров таъкидлаганидек, ҳали қилинадиган ишлар кўп...

Тўғри, бировнинг кўнглини олиш, дилига йўл топиш мушкул иш. Айниқса, ўша биров ногирон, кекса, касалманд бўлса, бошига мусибат тушган бўлса. Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг ҳар бир аъзоси бундай одамларни ёлғизлатиб қўймайди. Меҳри, мурувватини улардан ҳеч қачон аямайди. Ана шундай эзгу ниятларни дилга тугиб, улар янги йилга қадам қўйяпти.

**Умида ФАЙЗИЕВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**




«Ўздавархитектқурилиш» қўмитаси республика танлов савдолари бошқармасининг

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

2004 йил манзил рўйхати бўйича қуйидаги объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриб топширишга

танлов савдолари эълон қилади:

I. Буюртмачи — Сирдарё вилояти худудий газ таъминот корхонаси — «Сирдарёгаз».
**Манзили:** Гулистон шаҳри, Амир Темур кўчаси, 65-уй. **Телефон:** 27-27-70.
Қурилиш ишлари давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.

**1. Сирдарё вилояти қишлоқларини газлаштириш:**

| | | |
|---|---|---|
| ЛОТ-1. | Боёвут тумани, Болғали қишлоғи. | Қуриш муддати — 45 кун. Бошланғич баҳоси — 11,75 млн.сўм. |
| ЛОТ-2. | Боёвут тумани, А.Темур қишлоғи. | Қуриш муддати — 45 кун. Бошланғич баҳоси — 15,4 млн.сўм. |
| ЛОТ-3. | Боёвут тумани, Собиробод қишлоғи. | Қуриш муддати — 60 кун. Бошланғич баҳоси — 18,45 млн.сўм. |
| ЛОТ-4. | Боёвут тумани, Дўнговул қишлоғи. | Қуриш муддати — 30 кун. Бошланғич баҳоси — 4,5 млн.сўм. |
| ЛОТ-5. | Гулистон тумани, Олтинтепа қишлоғи. | Қуриш муддати — 60 кун. Бошланғич баҳоси — 15,4 млн.сўм. |
| ЛОТ-6. | Сайхунобод тумани, Пахтаучун қишлоғи. | Қуриш муддати — 45 кун. Бошланғич баҳоси — 11,7 млн.сўм. |
| ЛОТ-7. | Сайхунобод тумани, Шолкушек қишлоғи. | Қуриш муддати — 45 кун. Бошланғич баҳоси — 14,55 млн.сўм. |
| ЛОТ-8. | Сирдарё тумани, Қозоқовул қишлоғи. | Қуриш муддати — 40 кун. Бошланғич баҳоси — 10,55 млн.сўм. |

II. Буюртмачи — Сирдарё вилояти ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси.
**Манзили:** Гулистон шаҳри, Ахтамова кўчаси, 30-уй. **Телефон:** 27-63-85.
Қурилиш ишлари давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.

1. **Боёвут туманининг «Ғаллакор» ширкат хўжалигида қурилиши тугалланмаган 20-мактаб биносини 192 ўринли мактаб учун қуриш.**
*Қуриш муддати — 150 кун. Бошланғич нархи — 175,2 млн.сўм.*
2. **Ховос тумани, Бобир номли ширкат хўжалиги, «Шарқобод» маҳалласида ҚВП қурилиши (1-тип).**
*Қуриш муддати — 90 кун. Бошланғич нархи — 56,35 млн.сўм.*
3. **Сирдарё тумани, «Малик» ширкат хўжалиги, Наврўзобод қишлоғида ҚВП қурилиши (1-тип).**
*Қуриш муддати — 90 кун. Бошланғич нархи — 56,35 млн.сўм.*
4. **Сирдарё вилоятининг аҳоли пунктларидаги бўш қолган биноларни қишлоқ врачлик пунктига (1-тип) мослаштириб, қайта қуриш:**

| | | |
|---|---|---|
| ЛОТ-1. | Боёвут тумани, «Боёвут-3» ширкат хўжалиги, 4-бўлимида. | Қуриш муддати — 70 кун. Бошланғич нархи — 35,63 млн.сўм. |
| ЛОТ-2. | Гулистон тумани, Уч қаҳрамон қишлоғида. | Қуриш муддати — 70 кун. Бошланғич нархи — 36,05 млн.сўм. |
| ЛОТ-3. | Ховос қўрғонининг «Наврўзобод» маҳалласида. | Қуриш муддати — 70 кун. Бошланғич нархи — 30,25 млн.сўм. |
| ЛОТ-4. | Ш.Рашидов тумани, Уч том қишлоғида. | Қуриш муддати — 70 кун. Бошланғич нархи — 27,45 млн.сўм. |
| ЛОТ-5. | Боёвут тумани, «Деҳқонобод» ширкат хўжалиги, Қоропчи қишлоғида. | Қуриш муддати — 70 кун. Бошланғич нархи — 29,35 млн.сўм. |

Танлов савдоларида иштирок этиш истагини билдирган қурилиш ташкилотлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: газ таъминоти объектлари қурилиши учун лицензия бўлишлиги, ҳисоб рақамларида ёки захирада қурилиш материаллари, объект қийматининг камида 20% айланма маблағи бўлиши, бундай маблағ бўлмаган ҳолатда ана шу миқдорда банк кредит бериши мумкинлиги ҳақида кафолатнома мавжудлиги, объектда ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислари мавжудлиги, ўхшаш объектлар қуриш бўйича тажрибага эга бўлишлиги, шартнома тузиш юзасидан ҳуқуқий лаёқатга эгалиги.

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар Сирдарё вилояти тендер бошқармасига сўровнома билан эълон чоп этилгандан сўнг бир ой давомида иш кунлари соат 9.00дан 18.00гача қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Гулистон ш., Ахтамова к., 30-уй. Телефон/факс: (8-3672) 27-64-84.

*Тендер ҳужжатларининг бир тўпламининг нархи — 60000 сўм.*

**Офертлар юқоридаги манзил бўйича қабул қилинади ва уларни тақдим этишнинг охирги муддати — танлов комиссиясининг шу объектлар бўйича йиғилиш ўтказадиган куни ва соати. Танлов савдолари эълон чоп этилганидан камида 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.**

**«Ўзсувқурилиштранс» ассоциацияси тугатилди. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой давомида қуйидаги телефон орқали қабул қилинади:**

**47-33-68.**













O'zLotto

«Ўзлотто» лотереяси тиражининг

**ҲИСОБОТИ**

Лотерея тиражи 2003 йил 6 августда берилган 000001-сонли лицензия ва 2003 йил 6 августда тасдиқланган «Телевизион, сонли «O'zlotto6\40» лотереясини ўтказиш шарт ва қоидалари» асосида ўтказилди.

Тираж ўтказилган сана — **2003 йил 13 декабрь.**
Тиражга қабул қилинган ставкалар сони — **84974.**
Тушган шарлар рақамлари кетма-кетлиги:

**25 26 7 14 35 13**

Ўйналган ютуқлар

| Ютуқ категорияси | Ютуқ номи | Ютуқлар сони |
|---|---|---|
| 6 та тўғри топилган сон учун | «Nexia» автомобили | 0 |
| 5 та тўғри топилган сон учун | Телевизор 29' | 3 |
| 4 та тўғри топилган сон учун | Идишлар тўплами | 195 |
| 3 та тўғри топилган сон учун | Ручка ва календарь | 2724 |

Ютилмаган соврин — «Nexia» автомобили кейинги тираж ютуқ жамғармасининг худди шу категориясига қўшилади. Лотереянинг кейинги тиражи 2003 йил 20 декабрь куни ўтказилди.

Кейинги тиражнинг Жек-пот суммаси —
**100 000 000 сум + «Nexia» автомобили.**

«Мултилот» қўшма корхонаси

Тўкин ҳаёт сари!

O'zLotto

«Ўзлотто» лотереяси 1-тиражининг

**ҲИСОБОТИ**

Лотерея тиражи 2003 йил 6 августда берилган 000001-сонли лицензия ва 2003 йил 6 августда тасдиқланган «Телевизион, сонли «O'zlotto6\40» лотереясини ўтказиш шарт ва қоидалари» асосида ўтказилди.

Тираж ўтказилган сана — **2003 йил 20 декабрь.**
Тиражга қабул қилинган ставкалар сони — **4363.**
Тушган шарлар рақамлари кетма-кетлиги:

**11 14 10 6 7 40**

Ўйналган ютуқлар

| Ютуқ категорияси | Ютуқ номи | Ютуқлар сони |
|---|---|---|
| 6 та тўғри топилган сон учун | 100000000+«Nexia» | 0 |
| 5 та тўғри топилган сон учун | 109075 сўм | 0 |
| 4 та тўғри топилган сон учун | 9089 сўм | 12 |
| 3 та тўғри топилган сон учун | 2914 сўм | 131 |

Ютилмаган совринлар кейинги тираж ютуқ жамғармасининг худди шу категориясига қўшилади. Лотереянинг кейинги тиражи 2003 йил 27 декабрь куни ўтказилди.

Кейинги тиражнинг Жек-пот суммаси —
**100 000 000 сўм + «Nexia» автомобили.**

«Мултилот» қўшма корхонаси

Тўкин ҳаёт сари!

